

СУДЬЯЛАР ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ: МУАММОЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Нодира Бобохонова

Ўзбекистон

Республикаси Судьялар

олий кенгаши раисининг

ўринбосари

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасида судьяларнинг интизомий жавобгарлиги институтининг қонуний асослари, интизомий ишни қўзғатиш ва қўриб чиқиш тартиби, шунингдек ушбу соҳада мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: судьялар интизомий жавобгарлиги, суд ҳокимияти мустақиллиги, малака ҳайъати, интизомий жазо чоралари, Судьялар олий кенгаши.

Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартларидан бири — адолатли, мустақил ва холис суд ҳокимиятини таъминлашдир. Ўзбекистонда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, судьяларнинг мустақиллигини кафолатлаш билан бирга, уларнинг касбий масъулияти ва интизомини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги институти судьялар корпусининг поклигини сақлаш ва фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ судьянинг мустақиллиги унинг жавобгарликдан озод эканини англатмайди —

судьялик лавозимининг юксак нуфузи, аксинча, унга нисбатан қўйиладиган интизомий талабларнинг қатъийроқ бўлишини тақозо этади. Шу боис судьялар интизомий жавобгарлиги институти суд-ҳуқуқ тизимидаги мувозанатни таъминловчи муҳим механизм сифатида доимий такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 11-боби (74–77-моддалари) айнан судьялар интизомий жавобгарлигининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Қонуннинг 74-моддаси интизомий жавобгарликка тортиш асосларини хусусан, судья одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун, суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, судьялик шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун, Судьялар одоби кодекси талабларини бузганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг маълумотларига кўра, ўтган 2025-йилда судьяларга нисбатан 841 та хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, 550 та интизомий иш қўзғатилган, 266 нафар судьяга интизомий жазо қўлланилган. Шундан 23 нафар судьянинг судьялик ваколоти муддатидан илгари тугатилган, 93 нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан”, 26 нафар судьяга нисбатан “жарима”, 122 нафар судьяга нисбатан “огоҳлантириш”, 284 нафар судьяга нисбатан интизомий иш тугатилган. Қўзғатилган интизомий ишларнинг 160 таси фуқаролик, 316 таси жиноят, 58 таси иқтисодий, 16 таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади. Шу жумладан, 82 та интизомий иш судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, 385 таси Олий суд ва вилоят судлари томонидан судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра, 374 таси жисмоний



ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида қўзғатилган. Мазкур интизомий ишларнинг 56 таси Кенгаш томонидан, 28 таси Олий малака ҳайъати томонидан, 476 таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари асосида қўзғатилган¹. Ушбу рақамлар институтнинг амалда фаол ишлаётганини, айти пайтда суд тизимида интизом масаласи долзарблигича қолаётганини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 12 февраль куни суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва тизимда коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати юзасидан ўтказилган йиғилишда Судьялар интизомий ҳайъатини ташкил этиш таклиф қилинди.

Қайд этилишича, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида янги ҳайъатни ташкил этиш орқали судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг ҳолис тартиби яратилади.

Шу билан бирга, соҳада бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Биринчидан, амалдаги қонунчиликда интизомий ҳуқуқбузарлик таркибининг мезонлари — хусусан, «судья одобига зид хатти-ҳаракат» тушунчалари — етарлича аниқ таърифланмаган, бу эса амалиётда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, интизомий ишни фақат малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилиши тизимнинг мустақиллигини кучайтиргани ҳолда, жамоатчилик ва тарафлар шикоятларининг кўриб чиқилиш шаффофлигини ошириш масаласи очик қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар

1. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 74-моддасида кўрсатилган интизомий ҳуқуқбузарлик таркибларини аниқ мезонлар ва мисоллар

1

[https://sudyalari.uz/uploads/pages/%D0%90%D1%85%D0%B1%D0%BE%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B0%202025%20%D0%B9%D0%B8%D0%BB%20%D1%8F%D0%BA%D1%83%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8_compressed%20\(1\).pdf](https://sudyalari.uz/uploads/pages/%D0%90%D1%85%D0%B1%D0%BE%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B0%202025%20%D0%B9%D0%B8%D0%BB%20%D1%8F%D0%BA%D1%83%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8_compressed%20(1).pdf)



билан батафсиллаштириш, шу орқали малака ҳайъатлари амалиётида бир хиллик таъминлаш зарур.

2. Интизомий ишларни кўриб чиқиш жараёнининг шаффофлигини ошириш мақсадида, судья мустақиллиги кафолатларини сақлаган ҳолда, якуний қарорлар (шахсий маълумотларни ҳимоя қилган тарзда) очик манбаларда эълон қилиниши тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3. Интизомий жазо чоралари мутаносиблигини таъминлаш учун ҳар бир жазо туридан фойдаланиш мезонларини (жавобгарликнинг оғирлик даражасига қараб) норматив даражада белгилаш тавсия этилади.

4. Узоқ муддатли истиқболда, судьялар интизомий жавобгарлигининг барча жиҳатларини (моддий ва процессуал) қамраб оладиган мустақил, ихтисослаштирилган қонун лойиҳасини яқунлаш зарур, бу эса институтнинг ҳуқуқий барқарорлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, судьялар интизомий жавобгарлиги институти суд ҳокимияти мустақиллиги билан жамият олдидаги масъулият ўртасидаги мувозанатни таъминловчи муҳим восита бўлиб, унинг қонунчилик ва амалий асосларини янада такомиллаштириш Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон Судлар тўғрисида»ги қонуни (2025 йил 9 июндаги ЎРҚ-1067-сон қонун таҳририда).



2. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар одоби кодекси

3. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ахбороти.

